



**НАЖМИДДИН КУБРО ИЖОДИДА НАФС ВА УНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ
АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИГА ДОИР ҚАРАШЛАР.**

*Машарипов Қўзибой Ванаевич-
Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси*

АННОТАЦИЯ Ушбу мақолада инсон нафсини тарбия қилиш ва унинг йўллари хақида буюк мутасаввиф ва мўғул босқинчиларига қарши мардонавор кураш олиб борган халқ қаҳрамони Нажмиддин Кубронинг “Усулул ашара” асаридаги қарашлари қисқача баён этилган.

Калит сўзлар: Риёзат, жиход, тиловат, аброр, тавба, пархезгор.

АННОТАЦИЯ В данной статье кратко изложены взгляды великого суфия и народного героя, который мужественно сражался против монгольских захватчиков, Наджмиддина Кубры, на тему воспитания человеческой души и методы этого воспитания, описанные в его труде "Усулул ашара".

Ключевые слова: Риёзат, джихад, тиловат, аброр, тавба, пархезгор.

ABSTRACT This article briefly describes the views of the great mystic and national hero Najmuddin Kubra, who bravely fought against the Mongol invaders, as expressed in his work "Usul al-Ashara".

Key words: Asceticism, jihad, recitation, the righteous, repentance, pios.

Мухаққиқларнинг боши ва Олим, Шайх Нажмиддин Абул жанноб Ахмад ибн Умар ибн Мухаммад ибн Абдуллоҳ Суфий Нажмиддин Кубро номи билан маъруф бўлган (Аллоҳ рухларини шод қилсин) зот айтадилар.

Аллоҳ тамон юзланадиган йўлларни сони кишиларнинг бош соничадир. Лекин бизнинг бу қўлланмадаги йўлими энг яқини ва равшани ва энг тўғрироғидир. Йўллар зотан кўп бўлса хам, барчаларини учтага бўлишимиз мумкин.

Нажмиддин Кубро (1145–1221) – энг машҳур суфий алломалардан бири, Хоразм заминида таваллуд топган ва суфийлик таълимотини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган шахслардан. Унинг тўлиқ исми Ахмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий бўлиб, унинг "Кубро" лақаби суфийликдаги буюк мақомини ифода этади. У "Валиёт отаси" деб ҳам танилган, чунки унинг кўплаб шогирдлари суфийлик йўлида буюк ишлар қилиб, ўз устозининг номи билан танилганлар. Нажмиддин Кубро Хоразм шахрида дунёга келган. Унинг ёшлиқ йилларида илмга бўлган иштиёқи катта бўлиб, турли исломий илмлар, хусусан, Қуръон ва ҳадис бўйича таҳсил олган.

У йирик уламолардан дарс олган ва суфийликка қизиқиши уни руҳий тарбия йўлига олиб келди. У Мовароуннахр, Эрон ва Ирокда турли машҳур шайхлардан таълим олди. Устозлари орасида машҳур шайх Абул Наджиб Суҳравардий бор. Нажмиддин Кубро Суҳравардийдан таъсирланиб, руҳий тарбия ва нафсни поклашнинг суфийлик таълимотидаги аҳамиятини чуқур ўрганган ва бу мавзуда бир қанча асарлар ёзган. Нажмиддин Кубро нафақат назариётчи, балки амалий суфий бўлиб, нафсни поклаш, руҳий озодлик ва этик тарбияга катта эътибор берган. Унинг таълимоти нафсга қарши курашиш, худога яқинлашиш учун ўз нафсини тарбия қилишни асосий восита сифатида кўради. Унинг суфийлик йўналиши "Кубровий" тариқати деб номланиб, у орқали кўплаб шогирдлар ва муридлар пайдо бўлган. Нажмиддин Кубро Хоразмда ўзининг маънавий мактабини таъсис этган ва унинг шогирдлари орасида машҳур суфийлар Аллоёри, Фахриддин Ироқий ва Нажмиддин Розий каби алломалар бор. Унинг асарлари сўфийлик ва этика бўйича муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Биринчи қоида; Тавба қилиш ва у эса ўз иродаси билан Аллохга қайтишдир, чунончи ўлим билан иродасиз, мажбуран Аллохга қайтишидан олдин, инсон ўз ихтиёри билан Аллохга қайтиши лозим хисобланади. Аллох ўз қаломида шундай марҳамат қиласи, "Роббингизга рози бўлган холингизда қайтинг". (Фажр сураси, 28-ояти) Аллохга қайтиш эса гунохлардан бутунлай қутулишдир вахоланки, гунохлар инсонни дунё ва охират мартабаларидан тўсувчидир. Шундай экан, Толиби хақга Аллоҳдан ўзга барча матлублардан кечиш лозим бўлади, хатто ўзлигидан хам, чунки ўзингни борлиғинг хам хеч бир гунохга тенглаштириб бўлмайдиган гунохдир.

Иккинчи қоида; Дунёда пархезкор(эҳтиёт) бўлиш. Бу эса дунёнинг озу-кўпидан, шахвату-матоларидан ўзини тортишдир. Ва инсон ўлим билан, булардан узоқ бўлади. Ва пархезкорликни хақиқати дунё ва охиратда пархезкор бўлган кишидир. Пайғамбаримиз алайхис салом марҳамат қиласи "Дунё охират ахлига харомдир ва охират хам дунё ахлига харомдир ва бу икковлари эса Аллоҳни ахли учун харомдир". (Абдуллоҳ ибн Масъуд ривояти)

Учинчи қоида; Аллохга тавакkal қилишдир. Таваккул деб дунёвий сабабларни қилишдан сақланишдир. Сабабчиларни барчасини Аллоҳдан деб ишониш, ўлимга ишонгандек ишонмоқ, чунончи Аллоҳ Таъоло марҳамат қиласи "Ким Аллохга тавакkal қилса, Аллоҳни ўзи унга кифоя қиласи." (Талоқ сураси, 3-ояти)

Тўртинчи қоида; Қаноатдир. Бу эса нафсоний хохишлар ва хайвоний истаклардан узоқда бўлишдир, худди бу нарса ўлим билан хосил бўлгандек айрилишдир фақатгина инсоний хожат тушадиган баъзи ишлар бундан мустаснодир.

Бешинчи қоида; Узлатдир. Бу эса одамларга аралашиб юришдан узоқ ва йирок юришдир, гуё ўлим билан халқдан узоқлашгандек, бунда хам фақатгина ўз тарбиячи шайхини хизматини қилиши мумкин, халос. Бу шайх табиб ўликни ювгувчига ўхшайди. Яъни майит фассол(ўликни ювгувчи)ни қўлида қай даражада ихтиёrsиз ётса, у хам

шундай холда бўлади ва уни маънавий ғассоли яъни шайхи эса, ёт нажас ва маънавий нопокликлардан поклаш учун хохлаган тамонга айлантириб ювгай.

Ва узлатни асли барча хис қилинадиган нарсаларда тасаррuf қилишдан хиссиётларни тийишидир. Чунки барча фитна, офат ва балолар инсонни рухиятига мубтало бўлади, шунинг учун хам нафсни чидамлилиги ва уни сифатларини тарбиялаш, хиссиётлар жумласига кирди ва хиссиёт билан нафс рухни асфала-софилинга етаклагани учун хам, мен нафсимни жиловладим ва унга хужайин бўлдим, дедилар. Шундай экан, хилват ва хиссиётларни жиловлаш билан нафсни дунё, шайтон, хаво ва шахватдан мадад олиши кесилади ва бу эса Табиб бирор касални даволашда уни аввало заарли емишлардан пархезга буюришига ўхшайди ва яна уни касалини сабабларини аниқлайди ва унга зарар берадиган нарсалардан узоқда бўлишга кўрсатма беради ва айтилган гап борки, ”Иситма хар бир касални бошидир”. Кейин эса аста секинлик билан уни даволаб бошлайди ва уни табий қувватини ошириб боради ва хароратини туширади ва саломатлигини жойига қайтаради, худди шунингдек, маънавий касал кишини биринчи енгил муолажаси доимий зикр билан шуғулланиш билан бўлади, дедилар.

Олтинчи қоида; Доимий равишда Аллохни зикрини лозим тутиш. Бу эса Аллоҳдан бошқани билмасдан зикр қилиб қўйишидан хам узоқда бўлишидир. Ва Аллоҳ марҳамат қиласи “Эсдан чиқарсангиз дарров Роббингизни зикр қилинг”. Яъни Аллоҳдан бошқа барча нарсаларни ўлим билан эсдан чиқарсангиз каби. Аммо лекин зикрни енгил ўйлаб эсдан чиқаришга келсак ва у ЛА ИЛАХА ИЛЛАЛЛОХУ калимасидир. Бу калима нафий ва исботдан ташкил топган ва нафий қисми (ЛАА ИЛАХА) билан қалб касалликларини сабаби, рухни кишанланиши, нафсни кучайиши ва уни сифатларидаги барча маразларни йўққа чиқарса ва бу ёмон нафсоний хулқлар, хайвоний, шахвоний сифатлар ва икки дунё ташвишларидир. Ва калимани исбот қисми (ИЛЛАЛЛОХУ) билан эса қалбларни разил ва ёмон хулқлардан Аллохни нури билан саломатлиги пайдо бўлиб, инсон рухияти хақни мушохада қилиб, унинг зоти ва сифатларини тажаллиси билан покланади.

“Аллохнинг нури билан ер юзи чароғон бўлгай” яъни нафснинг ери ёришгай. Ва ер бошқа ерга алмашган ва осмон бошқа осмонга алмашган кунда нафсдан коронгуликлар кетгай ва хаммаси Қаххор ва Воҳид Аллоҳга намоён бўлгайлар.“Бас, Мени эсланг. Мен хам сизни эслайман.”(Бақара сураси,151-ояти) деган хукмга кўра, зикр қилувчи, зикр қилинувчига алмашади ва зикр қилинувчи эса зикр қилувчига алмашади. Демак зикр қилувчи, зикрга фоний бўлади ва мазкур эса зикр қилувчига ўринбосар бўлади ва сиз зикр қилувчини талаб қилсангиз, мазкурни яъни Аллохни топасиз, шундай экан, сиз менга уни кўрсатсангиз, мен хам уни сизга кўрсатаман. Ва агар уни менга кўрсатсанг, мени унга кўрсатибсан.

Еттинчи қоида; Бутун вужуди билан Аллоҳга юзланиш. Бу эса Хақдан бошқага даъват қилувчилардан қутулишидир, гуёки ўлим билан хамма нарсадан қутилгандек, тики унинг учун Аллоҳдан бошқа бирор матлуб ёки маҳбуб ёки мақсад қолмагай .

Агарча кишига барча пайғамбар ва авлиёларнинг мартабалари таклиф қилинса хам, Аллоҳдан бир лахза хам چалғимагай. Жунайд Боғдодий айтадилар; Агар бир содик киши Аллоҳга миллион йил юзлансаю, кейин бир лахза юз ўгириб چалғиса, уни йуқотган нарсаси топган нарсаларидан кўпdir, дедилар.

Саккизинчи қоида; Сабр қилмоқ. Бу эса нафснинг насибасидан мاشаққат ва риёзат билан ўлиб қутилгандек қутилишдир. Ва нафсни хохиш ва истакларини синдиришда собит турмоқ ва яхши кўрган шахватларидан тийилиш билан нафсни поклашда бардавом бўлиш ва қалбни мусаффолиги ва рухиятни жилосини сақлашдир. Аллоҳ Тавоғ марҳамат қилади; Улар сабр қилишгач, Биз у(мўмин)лардан хидоят қиладиган пешволарни чиқариб қўйгандирмиз ва улар бизнинг оятларимизга тўла туқис ишонур эдилар. (Сажда сураси, 24-ояти)

Тўққизинчи қоида; Муроқаба. Бу эса инсон ўзини доим назоратда, кузатувда тутиб туришидир ва у инсон ўз куч ва қувватидан ўлим билан ажралгандек бўлиб буткул ажрашидир ва Хақ Таволони берган мавоҳибларини кузатиб, тамошо қилиб, Унинг лутфи карамига ғарқ бўлиб, Ундан бошқадан юз ўгириб, Унинг раҳмат денгизига ғарқ бўлиб, қалби билан Унга йўлиқишига муштоқ бўлиб, рухияти хам Уни соғиниб, Ундан мадад талаб қилгай. Ва Аллоҳ Таволодан шу ишига ёрдам сўрайди, токи ўзи учун раҳмат эшикларини очгайки, уни хеч ким тўхтатиб қола олмагай ва азоб эшикларини беркитишни сўрагайки, уни хеч ким оча олмагай. Аллоҳни раҳмат нури биланки нафсига тушиб тургай ва нафси амморани ўттиз йилда риёзат ва мешаққатлар билан йўқ бўлмаган зулматлари бир лахзада йўқ бўлгай. Чунончи Аллоҳ Тавоғ “Магар Роббим раҳм қилганлар” деб яхши зотларни раҳм қилишини айтган.

Балки бу кишиларни хатто нафсларини ёмонликларини рухларини яхшиликларига алмаштиришини ваъда қилганлиги Аллоҳ Таволони каломига кўрадир “Улар шундай зотларки Аллоҳ уларни ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур”. (Фурқон сураси, 71-ояти) Улар Аброрлардир. Чунки, Аброрларни хасанот(яхшилик)лари муқарраб кишиларни сайиит(ёмонлик)ларидир” деган гап бўлса хам, муқаррабларни сайиитлари Аллоҳнинг лутфи билан хасанотга алмаштирилади. Аллоҳни сўзига биноанки “Яхшилик қилганлар учун жаннат ва зиёда неьмат яни (Аллоҳни дийдорини кўриш бордир) ва бу эса Аллоҳни фазлидир уни ўзи хоҳлаган кишисига беради” (Юнус сураси 26-ояти)

Унинчи қоида; Ризо. Бу қоида ўз нафсини рози қилишдан чиқиб, Аллоҳни азалий хукмларига бўйин суниб, Аллоҳни рози қилиш йўлига киришдир. Ва хамма ишни Аллоҳни азалий тадбирига ташлаб қўйишидир, шундай экан, бу кишида бирор норозилик ва эътиroz қолмагай, чунончи ўликга ўхшаб беихтиёр қолади. Шундай экан, кимики Аллоҳни иродаси билан юқоридаги ёмон сифатлардан ўлса яни қутулса, демак, Аллоҳ уни иноят нури билан тирилтирибди, бу хақида Аллоҳ ўз каломида марҳамат қилади.” Ёки бир киши ўлик бўлганидан сўнг, биз уни тирилтириб қўямиз ва унга инсонлар орасида нурли бўлиб юрсин учун, нур бериб қўямиз, худди уни мисоли аввал

зулматдан чиқа олмайдиган кишидек эди”.(Аньом сураси 123-ояти) Яни инсон ўзининг инсоний зулматида бўлганидан сўнг, Аллоҳ ўз инояти билан Раббоний сифатлар билан тирилтирса, у Аллоҳни жамолини нури билан одамлар орасида ўткир фаросат ила юради ва уларни ахволларига гувоҳ бўлади ва бошқа кишилар эса инсоний зулматда қоладилар ва ундан чиқа олмайдилар, фақатгина комил мўминлик, валийлик ёки пайғамбарлик мартабаси билангина чиқишлиари мумкин.

Хулоса

Нажмиддин Кубро каби тасаввуф пешволари нафақат шахсий маънавият, балки бутун жамиятнинг маънавий тарбиясига катта эътибор қаратганлар.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий таълимоти, нафақат Ўрта Осиёдаги, балки кенгроқ ислом оламини ахлоқий ва маънавий жиҳатларига таъсир ўтказган.

Ўрта Осиёда тасаввуф нафақат шахсий маънавий юксалиш йўли, балки ижтимоий ва маданий ривожланишнинг муҳим қисми сифатида хизмат қилган. Тасаввуф йўналишлари нафсни тарбиялаш, маънавий мувозанат ва ижтимоий тартибни мустаҳкамлаш учун хизмат қилган, бу эса бугунги кунда ҳам минтақанинг хусусан юртимиз маданий меросида ўз аксини топган.

Тасаввуф таълимотлари жамият аъзоларининг маънавий камолотига ва нафсларини тарбиялашга ургу беради. Ўзликни англаш, Аллоҳга муҳаббат орқали шахсий юксалиш тасаввуфнинг асосий мақсадларидан бири сифатида шаклланган. Тасаввуф нафақат шахсий маънавиятни юксалтириш, балки жамиятдаги ижтимоий тартибларнинг мустаҳкамланишига хисса қўшган. Тариқатлар орқали диндорлар ўртасида бирдамлик ва ўзаро ёрдам ривожланган, бу эса жамиятда ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаган. Бугунги кунда ҳам тасаввуфий ахлоқ нормаларини билиш ва амал қилиш хар қачонгиданда муҳим аҳамият касб этиши хеч кимга сир эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Шайх Абдулзиз Мансур.Куръони Карим. –Т.:2023.“Munir” нашриёти.
2. Шарифов, Ж. (2012). Тасаввуф ва унинг маънавий мероси. Тошкент: Тасаввуф нашриёти.
3. Сўфиев, А. (2014). Ўрта Осиёда тасаввуф мактаблари ва уларнинг аҳамияти. Самарқанд: Илм-фан нашриёти.
4. Nasr, S. H. (2007). Islamic Spirituality: Foundations. New York: Routledge.
5. Trimingham, J. S. (1998). The Sufi Orders in Islam. New York: Oxford University Press
- 6.Абдулбоқи, С., "Кубровийлик тариқати тарихи ва назарий асослари", 56-58-бетлар.
7. Маҳмуд Асъад Жўшон www.ziёуз.com. X, Филология фанлари номзоди, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби. Китобни онлине ўқиш: [хттп://форум.ziёуз.com/индеҳ.пҳп?топис=496.0](http://форум.ziёуз.com/индеҳ.пҳп?топис=496.0) 1 б.
8. “136 منهاج السالكين” نجم الکبری 6